

**«Olmaliq KMK» A J
акциядорлари йиллик умумий
йиғилишининг,
2020 йил «10» октябрдаги
8/2020 - сонли Қарори билан**

«ТАСДИҚЛАНИГАН»

**«OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI»
AKSIYADORLIK JAMIYATI**

(«Olmaliq KMK» A J)

**АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ
(янги таҳрири)**

ОЛМАЛИҚ – 2020

МУНДАРИЖА

- 1-модда. Умумий қоидалар.
- 2-модда. Терминлар ва таърифлар.
- 3-модда. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси.
- 4-модда. Умумий йиғилишда иштирок этиш. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш.
- 5-модда. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш.
- 6-модда. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига таклиф киритиши тартиби.
- 7-модда. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш.
- 8-модда. Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми. Қайта йиғилиш чақириш.
- 9-модда. Умумий йиғилишнинг ишчи органлари.
- 10-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш. Овоз бериш бюллетени
- 11-модда. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти ва йиғилишни ўтказиш тартиби.
- 12-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилиши якунларини ўтказиш ва у тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш тартиби.
- 13-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни моддий таъминлаш.
- 14-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларини бажариш.
- 15-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказмасдан қарор қабул қилиш.

1-модда. **УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. «Olmaliq КМК» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом), акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек унда қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига, бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга ва «Olmaliq КМК» aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда – «Жамият») уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида ҳамда Жамият устави билан аниқланган ваколат доирасига мувофиқ фаолият юритади.

1.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт.

Йиллик умумий йиғилиш молия йили тугаганидан кейин олти ой муддатдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши одатда ҳар йилнинг май ёки июнь ойларида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини, Тафтиш комиссиясини, Миноритар акциядорлар қўмитасини ва ижроия органи раҳбари Бошқарув Раисини сайлаш, Жамият коллегиал ижроия органининг (Бошқарув) аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатлари муддатини узайтириш ва муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисботи Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари, Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш максадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган ҳисоботлари маъруза шаклида тақдим қилинади ва ҳисобот даврида Жамият томонидан эришилган натижалар таҳлили, Жамият олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун халақит берадиган омиллар таҳлили, шунингдек, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ва корпоратив бошқарув меъёрларига амал қилиш таҳлилидан иборат бўлади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган бошқа масалалар ҳам ҳал қилиниши мумкин.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

2- модда. ТЕРМИНЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

2.1. Мазкур Низомда фойдаланиладиган терминлар ва таърифлар, Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари ва құмматли қоғозлар тўғрисидаги қонун хужжатларида қандай қўлланилса, агарда, мазкур Низомда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, шу мънода фойдаланилади.

2.2. Мазкур Низом мақсадлари учун қўйидаги терминлар ва таърифлардан фойдаланилади:

- «*Бош акциядор*» - Жамиятнинг барча оддий акциялари тегишли бўлган Жамиятнинг ягона акциядори (унинг номидан ваколат берилган вакил томонидан);

- «*Бош акциядорнинг қарори*» - акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалалар бўйича Жамият имтиёзли акцияларининг эгалари акциядорларнинг умумий йиғилишида қонун хужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаган даврда Бош акциядор томонидан (акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказмасдан) якка тартибда қабул қилинган қарорлар;

- «*Умумий йиғилиши масалалари*» – қонун хужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ Бош акциядор томонидан якка тартибда кўриб чиқиладиган, акциядорларнинг умумий (йиллик, навбатдан ташқари) йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар.

3 - модда. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига қўйидагилар киради:

1) Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

2) Жамиятни қайта ташкил этиш;

3) Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) қонунчиликка мувофиқ Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

6) Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан, акцияларнинг бир қисмини уларнинг умумий сонини қисқартириш мақсадида Жамият томонидан сотиб олиш йўли билан, Жамият томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олинган акцияларни муомаладан чиқариш йўли билан камайтириш, шунингдек, Жамиятнинг устав фондини камайтириш тартибини белгилаш;

7) ўз акцияларини олиш;

8) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органи раҳбарини Бошқарув Раисини тайинлаш, унинг ваколат муддатини узайтириш, Жамият Бошқаруви аъзоларини тайинлаш ва уларнинг ваколат муддатини узайтириш, шунингдек, Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9) Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қофозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ёки бу хукукни қўлламаслик тўғрисида қарор чиқариш ҳуқуқига эга;

10) Конунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

11) Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларини ва Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, шунингдек, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

12) Жамиятнинг Кузатув кенгashi таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талабларни белгилаш;

13) Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

14) Жамият органлари (Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгashi, коллегиал Ижроия органи, Миноритар акциядорлар қўмитаси, Тафтиш комиссияси) фаолиятини мувофиқлаштирувчи ички хужжатларни тасдиқлаш, шу жумладан, Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзоларига, Тафтиш комиссияси аъзоларига, бошқарув органлари котибларига ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

15) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига кирадиган масалалари юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисботларини ва Тафтиш комиссиясининг хуросаларини эшитиш;

16) Жамиятнинг йиллик ҳисботлари, йиллик бухгалтерия ҳисботи, жумладан, Жамиятнинг фойдалари ва заарлари тўғрисидаги ҳисботларни тасдиқлаш;

17) мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига ташланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шатрномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

18) Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш, жумладан, молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра дивидендлар тўламаслик ёки тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида дивиденд миқдори, тўлаш муддати, уни тўлаш шакли ва тартибини аниқлаган ҳолда қарор қабул қилиш;

19) саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;

20) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш ва акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартибини аниқлаш;

21) қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

22) акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

23) қонунчиликка мувофиқ Жамият акциялари ва бошқа қимматли қофозларини жойлаштириш (қимматли қофозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш), сотиб олиш (қайтариб сотиб олиш) нархини белгилаш;

24) Жамиятнинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юкори миқдорларини белгилаш;

25) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

26) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

27) Конун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

3.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

3.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгashi ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, Жамият уставида Кузатув кенгashi ваколатига берилиши назарда тутилган масалалар бундан мустасно.

3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонун хужжатларига кўра ваколат доирасига киритилмаган масалаларни кўриб чикиш ва улар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

3.5. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг карори, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

3.6. Мазкур Низом 3.1.-бандининг 1), 2), 3), 5), 15), 25) бандостиларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч кисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

3.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

4-модда.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ХУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши хуқукига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади. Ушбу хуқуқ акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

4.2. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги хабарда кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

4.3. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар - акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.

4.4. Жамият акциядори - юридик шахс раҳбари умумий йиғилишдаги ўз ваколатини уни лавозимга тайинлаш тўғрисидаги хуқукий хужжат ва шахсини тасдиқловчи хужжати асосида амалга оширади.

4.5. Акциядор - юридик шахснинг вакили акциядорлар умумий йиғилишида унинг номига юридик шахс раҳбарининг имзоси ёки бунга юридик шахснинг таъсис хужжатлари билан ваколат берилган бошқа шахснинг имзоси қўйилган, ушбу юридик шахснинг мухри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган ишончнома мавжуд бўлган тақдирдагина қатнашиши мумкин.

4.6. Жамият акциядорлари реестрига биноан 1-иловага мувофиқ шакл бўйича қайд этиши рўйхати тузилади.

4.7. Қайд этиши рўйхати тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Жамият мухри билан тасдиқланган бўлиши керак.

4.8. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар ёки уларнинг вакиллари қайд этиши рўйхатига имзо чекадилар ва Жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини (2-илова) оладилар.

4.9. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетенъ берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «____» 20____йилда берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

4.10. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

4.11. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг ҳоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга

оширилади. Кўрсатиб ўтилган хар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

4.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишини видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имконияти ва шароитини яратади.

5-модда.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

5.1. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирадиган масалалар Бош акциядор томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказмасдан якка тартибда кўриб чиқилади.

5.2. Йиллик умумий йиғилишнинг кун тартибини тайёрлаш вақтида Кузатув кенгаши ҳал этилиши имтиёзли акцияларнинг эгалари овоз бериш ҳуқуқини оладиган масалаларни киритиш ташаббуси билан чиқса, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилади.

5.2.1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш вақтида Жамиятнинг Кузатув кенгаши умумий йиғилиш кун тартибидан ташқари қуидагиларни:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилиш кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантирилдиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини аниқлаб беради.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

5.2.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узози билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

5.2.3. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилишга мажбур.

5.2.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорларининг реестри шакллантирилдиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

5.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга (умумий йиғилиш масалаларини кўриб чиқишга) тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга (Бош акциядорга) ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият Тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, Жамият Кузатув

кенгашининг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек, Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси, Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган Жамият уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

5.4. Бош акциядор томонидан йиллик умумий йиғилиш масалаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун унга қўшимча равишда қуидаги маълумотлар (ахборотлар) тақдим қилинади:

- Жамият Ижроия органи - Бошқарувининг ҳисобот йилидаги фаолияти якунлари ва Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш якунлари, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи;

- Жамият Кузатув кенгашининг ҳисобот йилида ўз ваколатига кирувчи ва Жамиятни бошқариш бўйича масалалар юзасидан, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи;

- Тафтиш комиссиясининг ҳисобот йилида Жамиятда йирик битимлар ва аффиланган шахслар билан битимлар мавжудлиги тўғрисидаги ва уларни тузиш бўйича қонун хужжатларига ва Жамиятнинг ички хужжатларига риоя қилиш тўғрисидаги хulosаси;

- йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва заарлар ҳисобварафи;

- фойдана тақсимлаш тартиби тўғрисидаги таклифлар;

- дивидендларни тўлаш миқдори, шакли ва тартиби тўғрисида Кузатув кенгашининг тавсияси;

- Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори бўйича Кузатув кенгашининг тавсияси;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмаси.

5.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши масалалари бўйича Бош акциядор томонидан қарор қабул қилиниши учун маълумотлар (ахборотлар) Жамият Кузатув кенгаши ёки Бошқаруви томонидан хат ташувчи (курьер) ёхуд буюртма хат орқали Бош акциядор томонидан қарор қабул қилинадиган санадан камида 7 (етти) календар кун олдин юборилади.

6-модда.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КУН ТАРТИБИГА ТАКЛИФ КИРИТИШ ТАРТИБИ

6.1. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин бир юз эллик кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ва Жамият Кузатув кенгашига, Тафтиш комиссиясига ва Миноритар акциядорлар қўмитасига қонун хужжатларида назарда тутилган тартиб ва шартларда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

6.2. Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Миноритар акциядорлар қўмитасига ўzlари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

6.3. Йиллик умумий йиғилиш кун тартибига масалалар киритиш, Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига номзодларни кўрсатиш:

- Жамият манзилига почта жўнатмаси ёки факс орқали жўнатиш;

- Жамиятнинг девонхонасига топшириш;

- Кузатув кенгаши котибига унинг имзосини қўйдириб олиш йўли билан топшириш мумкин.

6.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала:

- уни қўйиш сабаблари,

- масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга

тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

6.5. Жамият Кузатув кенгашига, Тафтиш комиссиясига ва Миноритар акциядорлар қўмитасига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан, ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек, номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

6.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу модданинг 6.1. ва 6.2. қисмларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибиiga киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибиiga киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

6.7. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибиiga, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг Кузатув кенгашига, Тафтиш комиссиясига ва Миноритар акциядорлар қўмитасига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ушбу модданинг 6.1. қисмида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг ушбу модда 6.1. қисмида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- ушбу модданинг 6.4. қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

6.8. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибиiga ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига, Тафтиш комиссиясига ва Миноритар акциядорлар қўмитасига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

6.9. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибиiga ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига, Тафтиш комиссияси ва Миноритар акциядорлар қўмитасига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

6.10. Акциядорлар томонидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибиiga таклифлар келиб тушмаган тақдирда, Кузатув кенгаши ўз ихтиёрига кўра йиғилиш кун тартибиiga етмаётган масалаларни киритишга ҳақли.

6.11. Акциядорлар томонидан Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини ташкил этиш учун номзодлар кўрсатилмаган ёки номзодларнинг миқдори кам кўрсатилган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши ўз ҳоҳишига кўра номзодлар рўйхатини шакллантириш ёки тўлдириш ҳуқуқига эга.

7-модда.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

7.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра:

- унинг ўз ташаббуси асосида,
- Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби,
- ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

7.2. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг

навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

7.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- кун тартибидаги масалалар таърифи;
- уларни киритиш асослари;
- йиғилишни чақириш тўғрисида ташаббус билан чиққан шахс тўғрисида маълумот;
- йиғилишни чақириш тўғрисида ташаббус билан чиққан шахснинг жойлашган ери, телефон (факс) раками;
- йиғилишни чақириш тўғрисида ташаббус билан чиққан шахснинг имзоси.

7.4. Агарда йиғилишни чақириш тўғрисида ташаббус билан чиққан шахс акциядор бўлса, унда талаб қўшимча равишда қуйидаги маълумотларга эга бўлиши керак:

- акциядор (акциядорларнинг) исми (номи);
- унга (уларга) тегишли бўлган акциялар (сони, тури) тўғрисида маълумот;

Талаб акциядор ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

7.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ташабbusи билан чиққан шахсларнинг талаби:

- Жамият манзилига почта жўнатмаси ёки факс орқали жўнатиш;
- Жамиятнинг девонхонасига топшириш;
- Кузатув кенгаши котибига унинг имзосини қўйдириб олиш йўли билан топширилиши мумкин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим қилинган сана Жамият томонидан ушбу талабнинг олинган сана этиб белгиланади.

7.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

7.7. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичida Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

7.8. Жамият Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) Жамият овоз берувчи акцияларининг 5% эгаси бўлмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» конуни талбларига мувофиқ бўлмаса.

7.9. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

7.10. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

7.11. Жамият Кузатув кенгаши ўн кун муддат ичida акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни

рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

8-модда. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ. ҚАЙТА ЙИҒИЛИШ ЧАҚИРИШ

8.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Агарда акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш турли таркибдаги овоз берувчилар томонидан амалга оширилса, ушбу масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун алоҳида кворум аникланади. Бунда, қарор қабул қилинадиган масала бўйича овоз берувчи бир таркиб бўйича кворумнинг мавжуд эмаслиги, кворум мавжуд бўлган иккинчи таркиб томонидан овоз беришни амалга ошириш орқали бошқа масала юзасидан қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилмайди.

8.2. Агар йиғилиш бошланиши учун белгиланган вақтдан сўнг 60 дақиқадан ортиқ вақт давомида кворум тўпламаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади.

8.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий йиллик умумий йиғилишини ўтказиш санаси худди ўша кун тартиби билан эълон қилиниши шарт.

8.4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши худди ўша кун тартиби билан ўтказилиши мумкин.

8.5. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

8.6. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аникланади.

9-модда. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

9.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари бўлиб - Раёсат, саноқ комиссияси йиғилиш котиби ва ҳисобланади.

9.2. Йиғилиш Раёсати:

9.2.1. Акциядорлар умумий йиғилиши Раёсати акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Бунда, Кузатув кенгашининг раиси лавозимига кўра акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси бўлиб ҳисобланади.

Жамият Кузатув кенгашининг Раиси томонидан узрли сабабларга кўра йиғилиш раиси вазифаларини бажариш имкони бўлмаган тақдирда Кузатув кенгashi томонидан «Жамият Кузатув кенгashi тўғрисида»ги Низомга мувофиқ тайинланган Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири йиғилиш раиси ҳисобланади.

9.2.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Раиси Раёсатни бошқаради, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини тегишли тартибда бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

9.2.3. Умумий йиғилиш Раиси:

- йиғилишнинг очилишини ва унинг иши тугашини расман эълон қиласди;

- йиғилишни олиб бориш бўйича вазифаларни бажаради; навбатма-навбат йиғилиш иштирокчиларига сўз беради; кун тартибидаги кўриб ўтилаётган масала бўйича йиғилиш якунланганигини эълон қиласди; йиғилиш иштирокчиларини сўзга чиқишиларини кун тартибидаги масалага мувофиқлигини кузатади; йиғилишдаги танаффусларни бошланиши ва тугашини маълум қиласди ва ш.к.;
- йиғилиш регламентини бажарилишини назорат қиласди;
- зарурият туғилганда йиғилишда иштирок этаётган йиғилишнинг ишчи органларига ва ваколатли давлат органларининг вакилларига сўз беради;
- Жамиятнинг тегишли органларига таклиф қилинган номзодларни йиғилишга тайёргарлик кўриш ва йиғилиш ишини олиб бориш жараёнида чиқариб ташланганиги ҳақидаги маълумотни йиғилиш иштирокчиларига етказади;
- йиғилиш котибига керакли кўрсатмалар ва топшириқлар беради;
- саноқ комиссиясидан ва йиғилиш котибидан, йиғилиш пайтида келиб тушган хужжатларни қабул қиласди;
- йиғилиш хужжатлари ва Раёсати аризаларини тарқатади;
- йиғилишда тартибни сақлаб туриш ва уни тиклаш чораларини кўради;
- йиғилиш иштирокчисини сўздан маҳрум қилиш хукуқига эга;
- йиғилиш баённомасини имзолайди.

9.2.4. Раис йиғилиш иштирокчиларининг нутқини бўлиш, шунингдек уларни изоҳлаш хукуқига эга эмас, сўзга чиқувчи томонидан ушбу Низом талаблари бузилган ҳолатлар бундан мустасно.

9.3. Йиғилиш котиби:

9.3.1. Йиғилиш котиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан йиғилишни ўtkазиш ва унинг хужжатларини расмийлаштириш даврига тайинланади.

9.3.2. Йиғилиш котиби йиғилишга техник ва котиблик хизмати кўрсатилишини таъминлайди:

- йиғилиш баённомасини олиб боради;
- йиғилиш иштирокчиларининг саволларини, аризаларини, таклифлари йиғади, уларни Раёсатга беради;
- Раёсат аъзоларининг топшириқларини бажаради;
- йиғилиш баённомасини тузади.

9.4. Жамият Саноқ комиссияси:

9.4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, овоз бериш учун бюллетенлар бериш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш сон ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Саноқ комиссияси томонидан амалга оширилади. Саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун Кузатув кенгашининг қарорига кўра мустақил эксперталар жалб этилиши мумкин.

9.4.2. Саноқ комиссияси ўз функциясини «Жамиятнинг Саноқ комиссияси тўғрисидаги Низом» га мувофиқ амалга оширади.

10-модда. **АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШ. ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕНИ**

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Жамиятнинг Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув

кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

10.3. Овоз бериш бюллетенида: Жамиятнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўtkазиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага «ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

10.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўtkазилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

10.5. Жамият акциядорлари, жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргалиқдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш хуқуқига эга. Битимнинг шакли, уни тузиш шартлари ва тузилган битими ҳақида Жамиятни хабардор қилиш тартиби Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Акциядорлик битими тўғрисидаги Низом» да белгилаб қўйилади.

11-модда.

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИНГ РЕГЛАМЕНТИ ВА ЙИҒИЛИШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

11.1. Акциядорлар умумий йиғилиши регламенти ва уни олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланади.

11.2. Кузатув кенгашининг Раиси умумий йиғилишнинг Кузатув кенгаши томонидан ташкил қилинган Саноқ комиссиясини, шунингдек, Раёсатини ва котибини тасдиқлашни таклиф этади.

11.3. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларнинг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маъruzачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини кўзда тутади.

11.4. Йиғилиш давомида юзага келган жорий масалаларни Раис яккабошчилик асосида, бош тамойилдан келиб чиқиб ҳал қиласди: акциядорлар умумий йиғилишида муҳокама қилинаётган масала юзасидан ҳар бир қатнашчи белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш хукуқидан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, акциядорлар умумий йиғилишнинг Раиси акциядорлар умумий йиғилишнинг аудио-видео ёзувига ва акциядорлар умумий йиғилишини интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга.

11.5. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма талабнома берадилар.

11.6. Сўзга чиқиш жараённида йиғилиш иштирокчилари томонидан кун тартибига киритилмаган масалаларнинг муҳокама қилишга йўл қўйилмайди.

11.7. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин Раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласди.

12-модда.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЯКУНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ВА У ТЎҒРИСИДА АКЦИЯДОРЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12.1. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомани тузади, баённома жумладан, акциядорлар умумий йиғилишнинг кворуми

мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва Саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

12.2. Овоз бериш якунлари овоз бериш ўтказилган акциядорларнинг умумий йиғилишида ёки акциядорлар умумий йиғилиши ёпилгандан сўнг овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни чоп этиш йўли билан акциядорлар эътиборига етказилади.

12.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

12.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

- умумий йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

- умумий йиғилишнинг Раиси (Раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

12.2. Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари Саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун Жамиятнинг архивига топширилади.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

13-модда.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЧАҚИРИШ, УНГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШНИ МОДДИЙ ТАЪМИНЛАШ

13.1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши билан боғлиқ харажатлар Жамият маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

13.2. Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ташаббусига кўра чақирилаётган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши билан боғлиқ харажатлар Жамият маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

13.3. Акциядорлар ташаббусига кўра чақирилаётган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши билан боғлиқ харажатлар акциядорлар томонидан тўланади.

Бу ҳолларда, акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши билан боғлиқ харажатлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Жамият томонидан қопланиши мумкин.

14-модда.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

14.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, агар йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баённомада акс эттирилмаган бўлса, Жамиятнинг Кузатув кенгаши амалга оширади.

14.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда хозир бўлган, шунингдек хозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийdir.

15-модда.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗМАСДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

15.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича қарорлар агарда қонун хужжатларига ва мазкур Низомга асосан Бош акциядор томонидан қабул қилинса, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказмасдан қабул қилиниши мумкин.

15.2. Бош акциядор Қонун ва Жамият устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган барча масалалар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

15.3. Бош акциядор, шунингдек, Қонун билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган, лекин қарор қабул қилиш ҳуқуқи Жамият Кузатув кенгashi ваколат доирасига берилган масалалар юзасидан ҳам қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

15.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалалар бўйича Бош акциядорнинг қарори Жамият Кузатув кенгашининг таклифига (тавсиясига) биноан ёхуд Кузатув кенгашида олдиндан муҳокама килинмасдан Бош акциядор томонидан мустақил равишда қабул қилинади.

15.5. Жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра Бош акциядор қўйидаги масалалар бўйича қарор қабул қиласди:

- Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш, жумладан, дивидендларнинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамият уставига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

15.6. Бош акциядор, ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай, Қонунга асосан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига киритиладиган масалаларни кўриб чиқиши ва улар бўйича қарор қабул қилишга мажбур.

15.6.1. Йиллик умумий йиғилиш масалалари бўйича қарор қабул қилиш учун Кузатув кенгashi Бош акциядор билан келишилган ҳолда умумий йиғилиш масалаларини кўриб чиқиши санаси ва масалалар рўйхатини аниқлайди.

15.6.2. Бош акциядорга ҳар йили кўриб чиқиши учун тақдим қилинадиган Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Бош акциядор томонидан кўриб чиқиладиган санадан 10 (үн) кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгashi томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.6.3. Кузатув кенгашининг йиллик умумий йиғилиш масалаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиши натижалари тўғрисидаги баённомаси Бош акциядорга Кузатув кенгашининг йиғилиши ўтказилгандан кейин беш кундан кечиктирмай берилади.

15.6.4. Бош акциядор томонидан йиллик умумий йиғилиш масалаларини кўриб чиқишига тайёргарлик кўриш мазкур Низомнинг 5-моддасида баён қилинган тартибда амалга оширилади.

15.7. Бош акциядор ҳар йили мажбурий тарзда кўриб чиқиладиган масалалардан ташқари йил мобайнида навбатдан ташқари тартибда умумий йиғилишнинг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқиши мумкин.

15.7.1. Бош акциядор томонидан навбатдан ташқари тартибда умумий йиғилишнинг бошқа масалаларини кўриб чиқиши, акциядорнинг ўз ташаббусига, Жамият Кузатув кенгашининг қарорига, Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра ўтказилади.

15.7.2. Бош акциядор томонидан навбатдан ташқари тартибда умумий йиғилишнинг бошқа масалаларини кўриб чиқиши унинг ўз ташаббусига кўра амалга ошириладиган ҳолда, Бош акциядор:

- кўриб чиқиши учун киритилаётган масалалар рўйхатини тузади;

- Жамият Кузатув кенгashi ва Бошқарувини кўрсатилган масалаларни кўриб чиқиши ва улар бўйича қарор қабул қилиш санаси тўғрисида хабардор қиласди.

Жамият Кузатув кенгashi ва Бошқаруви Бош акциядор томонидан масалалар кўриб чиқиладиган санадан 7 (етти) календар кундан кечиктирмай, кўриб чиқилаётган масалалар бўйича унга керакли ахборотлар (материалларни) ва хужжатларни тақдим қиласди.

15.7.3. Жамиятнинг Кузатув кенгashi умумий йиғилишнинг масалаларини Бош акциядор томонидан навбатдан ташқари тартибда кўриб чиқиши ташабbusi билан чиқкан тақдирда,

Кузатув кенгаши Бош акциядор кўриб чиқиши учун киритилаётган масалалар рўйхатини тузади, керакли бўлган ахборотлар (маълумотлар) ва хужжатларни тайёрлайди ва кўрсатилган масалаларни кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисида Бош акциядорни хабардор қилади.

15.7.4. Бош акциядор томонидан навбатдан ташқари тартибда умумий йигилишнинг бошқа масалаларини кўриб чиқиши Тафтиш комиссияси талаб қилган ҳолда, Тафтиш комиссияси Бош акциядор кўриб чиқиши учун киритилаётган масалалар рўйхатини тузади, керакли бўлган ахборотлар (маълумотлар) ва хужжатларни тайёрлайди ва кўрсатилган масалаларни кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисида Жамият Кузатув кенгаши ва Бош акциядорини хабардор қилади.

15.7.5. Бош акциядор томонидан навбатдан ташқари тартибда умумий йигилишнинг бошқа масалаларини кўриб чиқиш тўғрисидаги талабда, Бош акциядор томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

15.7.6. Жамият Кузатув кенгаши ёки Тафтиш комиссияси томонидан тақдим қилинган талаб тақдим этилган қундан эътиборан 30 (үттиз) қундан кечиктирмай Бош акциядор киритилган масалаларни кўриб чиқиши лозим.

15.8. Бош акциядорнинг қарори ёзма шаклда 2 (икки) нусхада тузилади, унда:

- қарор қабул қилинган сана;
- Бош акциядор эгалик қилувчи овоз берувчи акцияларнинг умумий сони;
- Бош акциядор томонидан ушбу қарорни имзолаш учун тайинланган вакилнинг фамилияси, исми, шарифи (хужжат санаси ва рақамига асосан);
- Бош акциядор кўриб чиқиши учун киритилган масалалар рўйхати;
- умумий йигилиш масалалари бўйича Бош акциядор томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ мазмуни.

Қарор Бош акциядор номидан ваколат берилган вакил томонидан имзоланади ва Жамият муҳри билан тасдиқланади.

Қарор қабул қилинадиган санадан уч иши куни олдин Жамиятнинг барча оддий акциялари Бош акциядорга тегишли эканлигини тасдиқловчи Бош акциядорнинг Депо ҳисоб варагидан берилган кўчирма Қарорга бириктириб қўйилади.

15.9. Бош акциядор томонидан қабул қилинган қарорлар, барча манфаатдор шахсларга қонун хужжатларида ва Жамият Уставида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, шунингдек, тегишли ахборотларни қимматли қофзлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида, шунингдек, Жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштириш йўли билан етказилади.